

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2025 йил июнь ойининг 30 кунин Фарғона туманлараро маъмурий суди ўз биносида, ошқ суд мажлисида, судья Н.М.Тожиёва раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Абдубонсованинг қотиблтигида, аризагининг вакиллари М.Нурматов ва Б.Хайдаров, жавобгар вакиллари А.Сулаймонов ва Ж.Иброхимов иштирокида, аризаги Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Фарғона вилоят бошқармаси "Агро Риштон Таъмир Сервис" МЧЖ манфаатида жавобгар Ўзбекистон Республикаси Ракобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасига нисбатан бошқарманинг 04.04.2025 йил кунги 3-15-2025/19-сонли иш бўйича қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича юритилган 5-1501-2510/558-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Фарғона вилоят бошқармаси "Агро Риштон Таъмир Сервис" МЧЖ манфаатида (бундан кейин матида аризаги ёки МЧЖ ёхуд жамият деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгар Ўзбекистон Республикаси Ракобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси (бундан кейин матида жавобгар ёки бошқарма деб юритилади) нинг 04.04.2025 йил кунги 3-15-2025/19-сонли иш бўйича қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризаги "Агро Риштон Таъмир Сервис" МЧЖнинг вакиллари М.Нурматов ва Б.Хайдаровлар ариза талабини қўллаб-қувватлаб, аризани қаноатлантиришни сўрадилар.

Низонинг прерметига нисбатан мустақил талаблар билан ариза қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган Чикидиларни бошқариш ва циркуляр иктисодиётни ривожлантириш агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасининг вакиллари И.Абдуллаев ва Р.Эшонкуловлар дастлабки суд мажлисида ариза талабини қўллаб-қувватлаб, аризани қаноатлантиришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар Ўзбекистон Республикаси Ракобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг вакиллари Р.Туранов, Ж.Иброхимов ва А.Сулаймоновлар ариза талабига эътироз билдириб, аризани қаноатлантиришни рад қилишни сўради.

Ишга низонинг прерметига нисбатан мустақил талаблар билан ариза қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган Фарғона вилоят иктисодиёт ва молия бош бошқармаси ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилоят бошқармаси суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида ҳабадор қилинган бўлишига қарамай, суд муҳокамасида иштирок этмади.

Суд маъмурий ишни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 148-моддасига мувофиқ уларнинг иштирокиз кўришни лозим топади.

Судда ва иш ҳужжатларидан аниқланган ҳолатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ракобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 13.02.2025 йил кунги 05-Т-сонли буйруғига асосан "Агро Риштон Таъмир Сервис" МЧЖ да текшириш ўтказилиб, жамиятнинг 01.04.2022 йилдан 2025 йилнинг 1 февраль ойига қадар фаолияти ўрганилган.

"Агро Риштон Таъмир Сервис" МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 5, 6, 9, 21-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг Ракобат тўғрисидаги қонуннинг 32-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 декабрдаги 722-сонли қарори билан тасдиқланган Низонинг 47-банди 2-хатбошиси талаблари бузилган деб

топиш;

шунингдек, жамият томонидан кўрсатилмаган хизмат учун ҳисобланган 6 235 777 765 сўм ҳамда қонуний кучга кирмаган тарифларни қўллаш натижасида ҳисобланган 2 368 577 сўм маблағлар истеъмолчиларга қайта ҳисоб-китоб қилиш, истеъмолчиларни аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда, ихтиёрий равишда 1 ой муддат ичида Иктисодиёт ва молия вазирлиги Ягона ғазна ҳисобварағига тўлаш бўйича мажбурий кўрсатма бериш;

ижтимоий ва стратегик аҳамиятта эга бўлган маҳсулотлар нархларини асоссиз равишда оширганлиқ учун охириг уч йилдан ортиқ бўлмаган даврда товарни реализация қилишдан олинган тушум суммасининг 5 фоиз миқдорида, яъни 512 421 196 сўм жаримани бир ой муддат ичида ихтиёрий тўлаш;

"Агро Риштон Таъмир Сервис" МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Ракобат тўғрисида"ги қонуннинг 42-моддасининг 7-бандига мувофиқ ваколатли давлат органига ахборотни тақдим этмаганлиқ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида, яъни 18 750 000 сўм жаримани бир ой муддат ичида ихтиёрий тўлаш ҳамда 2022-2025 йиллар давомида барча юридик шахсларга кўрсатилган хизматлар ҳамда Дангара туманидаги аҳоли истеъмолчиларининг хонадонларига кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги маълумотларни ҳудудий бошқармага 10 кун муддат ичида тақдим этиш тўғрисида бошқарманинг 04.04.2025 йил кунги қарори қабул қилинган.

Бошқарма томонидан юритилган 3-15-2025/19-сонли иш бўйича қабул қилинган 04.04.2025 йил кунги қарорни ижро этиш юзасидан кўрсатма берилган.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, адвокатнинг аризани қаноатлантириш ҳақидаги ёзма музокара сўзи ва прокурорнинг аризани қаноатлантириш ҳақидаги ёзма фикрини инобатга олиб, иш ҳужжатлари ва тўлиланган далилларга баҳо берган ҳолда қуйидаги асосларга кўра аризагининг важдлари билан қисман қилинади.

ўрганади, ГПС, видеокузатув, онлайн тендер кузатуви каби рақамлаштириш механизмларини жорий этади.

Гарчанд, қарорнинг учинчи банди билан ижтимоий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар нархларини асоссиз равишда оширишга ҳолати бўйича уч йилдан ортиқ бўлмаган даврда товарни реализация қилишдан олдингун тушум суммасининг, яъни 10.248.423.921 сўмнинг 5 фоизи миқдорида 512.421.196 сўм жарима ҳисоблашда Халқ депутатлари вилоят кенгашининг 29.03.2024 йил қўниги VI-66-36-11-0-K/24-сонли қарори вилоят ҳокимининг тегини қарори билан тасдиқланмагани ва расмий нашрларда эълон қилинмагани учун қонуний қўчга қирмагани, аҳолига кўрсатилган хизматлар Фаргона вилоят ҳокимининг 02.11.2023 йил қўниги 361-11-0-Q/23-сонли қарорига асосан белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланганига асосланган.

Вахोलанки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 январь қўниги “Чикиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5-сонли Фармонига кўра, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари маншй чиканди хизматлари тарифларини қайта кўриб чикади ва тасдиқлайди, вилоят ҳокимликлари Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан маншй чикинди хизматлари тарифлари кўриб чикилганлиги ва натижаси юзасидан Агентликка ахборот тақдим қилади.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига мувофиқ, манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, факат расмий қондалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидангина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақикланади.

Агар манфаатдор шахс виждонан ҳаракат қилган, ўз мажбуриятларини мазмунан бажарган бўлса ҳамда расмий қондалар ва талабларнинг йўл қўйилган бузилишлари маъмурий ишни мазмунан тўғри ҳал қилишга тўқинчилик қилмаса, манфаатдор шахс томонидан расмий қондалар ва талабларга риоя этилмаганлиги номувофиқ маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Зеро, маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт.

Кенгаш қарорларини расмий нашрларда эълон қилиш бу жамиятнинг мажбурияти ҳисобланмайди.

Қолаверса, аризачи “Агро Риштон Таъмир Сервис” МЧЖ томонидан аҳолига кўрсатилган хизматлар ставкаси ўзгарганлиги юзасидан “Фаргона ҳақиқати” газетасида эълон берилган.

Суд, юқоридати ҳолатларни инобатга олган ҳолда бошқарма қарорининг 1, 2, 3-бандларини қонунга зид равишда қабул қилинган деб ҳисоблайди, қарорнинг 4, 5, 6-бандларини муҳокама қилган ҳолда қуйдаги асосларга кўра, ушбу бандларини қонунга мувофиқ равишда қабул қилинган деб ҳисоблайди.

“Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 42-моддасининг 7-бандига кўра, ваколатли давлат органига ахборотни

тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик, нотўғри ёки ёлгон маълумотлар тақдим этганлик учун — ҳўжалик юритувчи субъектларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллиқ баравари миқдорида жарима солиниши мумкин.

Бошқарма томонидан жамиятга аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳақида оммавий шартнома ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш ҳақида 20.02.2025 йилда 02-05/1431-сонли топширик хати юборилган.

Бироқ, жамият томонидан Дангара туманидаги аҳоли истеъмолчилари ҳонадонларига кўрсатилган хизматлар тўғрисида маълумотлар ўз вақтида тақдим қилинмаган ёхуд ҳужжатларни кечиктириш сабаблари юзасидан расмий ахборот берилмаган.

Бундай ҳолатда бошқарма жамиятга нисбатан жарима солишга ваколатли ҳисобланади.

Суд муҳокамасида жамиятнинг вакиллари ахборот тизимини тўлиқ ишламаганини вақ қилиб келтирса-да, суд унинг вақлари билан қелишмайди.

Бинобарин, қарорнинг 5-банди талаблари шу қунга қалар жамият томонидан ижро қилинмаган.

“Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 40-моддасига кўра, рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳақидаги ишда иштирок этувчи шахслар ваколатли давлат органининг қарори (кўрсатмаси) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилишга ҳақли.

Ваколатли давлат органининг қарорлари (кўрсатмалари) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят қилиниши судга шикоят қилиш ҳуқуқини истисно этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган “Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, комиссиянинг қарорлари устидан қарор қабул қилинган ёхуд чиқарилган қундан бошлаб бир ой муддатда бевосита судга ёхуд Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига шикоят қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юрийтиш тўғрисида”ги кодекснинг 186-моддасига кўра, агар ушбу Кодекста ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан олти ой ичда судга берилиши мумкин.

Суд аризачи томонидан судга мурожаат қилиш муддатини муҳокама қилган ҳолда, жамият бузилган ҳуқуқини тиклаш учун бошқарманин қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва бошқа давлат

органларига мурожаат қилгани, ижобий натижа бўлмагач судга 29.05.2025 йилда мурожаат қилганини инобатга олган ҳолда, ўтказиб юборилган судга мурожаат қилиш муддатини узри деб ҳисоблайди.

Суд юқоридаги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда аризани қисман қаноатлантиришни, бошқарманинг 04.04.2025 йил кунги 3-15-2025/19-сонли иш бўйича қарорининг 1, 2, 3-бандларини ҳақиқий эмас, 4, 5, 6-бандларини қонунга мувофиқ деб топишни, жавобгар зиммасига текширув материалларини қайта кўриб чиқиб қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш, ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризаچига ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш мажбуриятини юкланиш лозим топади.

Суд, суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 115-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонунига кўра, давлат бюджетига жавобгар Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасидан 1 875 000 сўм ва “Агро Риштон Таъмир Сервис” МЧЖ дан 1 875 000 сўм давлат божи ундиришни, 37 500 сўм почта харажати аризада зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 115, 154-158, 189-моддаларига асосан суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Аризачи Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Фарғона вилоят бошқармаси “Агро Риштон Таъмир Сервис” МЧЖ манфаатида киритган аризаси – қисман қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 04.04.2025 йил кунги 3-15-2025/19-сонли иш бўйича қарорининг 1, 2, 3-бандлари ҳақиқий эмас деб топилсин.

Қарорнинг 4, 5, 6-бандлари билан боғлиқ қисми қаноатлантиришдан рад қилинсин.

Жавобгар зиммасига бошқарманинг 13.02.2025 йил кунги 05-Т-сонли бўйруғига асосан “Агро Риштон Таъмир Сервис” МЧЖ ўтказилган текшириш материалларини қайта кўриб чиқиб қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризаچига ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш мажбурияти юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасидан 1 875 000 сўм ва “Агро Риштон Таъмир Сервис” МЧЖ 1 875 000 сўм давлат божи ундирилсин ва 37 500 сўм почта харажати аризада зиммасида қолдирилсин.

Ҳал қилув қарордан норози тараф бир ой муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилояти маъмурий судига апелляция тартибда, қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Н.М.Тожиева

